



КИМЁ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

мавзусидаги

Республика илмий – амалий конференцияси

Республиканская научно-практическая
конференция на тему

ПЕРСПЕКТИВЫ ПРЕПОДАВАНИЯ ХИМИИ: ВЧЕРА, СЕГОДНЯ, ЗАВТРА

22-ноябр 2022 йил

АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 мартдаги IOI-F-сонли фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режаси” да белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида Жиззах давлат педагогика университети Табиий фанлар факултети кимё ва уни ўқитиш методикаси кафедрасида 2022-йил 22 ноябрда “**Кимё фанини ўқитишнинг истиқболлари: кеча, бугун, эртага**” мавзусидаги Республика илмий – амалий анжуман ўтказилади. Мазкур анжуманда Республикамиздаги етакчи мутахассислар, профессор-ўқитувчилар ҳамда, шу соҳада изланишлар олиб бораётган докторантлар ва тадқиқотчилар, магистрантлар, талабалар ва бошқа мутахассислар **онлайн** ва **офлайн** шаклда иштирок этишлари мумкин.

Анжуман қўйидаги йўналишларда иш олиб боради:

1. Умумўрта таълим мактабларида кимё фанларини ўқитиш масалалари
2. Кимё фани тадқиқида замонавий йўналишлар
3. XXI асрда кимё фанини ўқитиш методикаси
4. Яшил кимё фанининг устувор йўналишлари

Конференцияда иштирок этувчилардан 2022 йилнинг 12 ноябр қадар тезисларни тақдим этишлари сўралади. Тезислар ўзбек, рус, инглиз тилларда тақдим этилиши мумкин. Конференция иштирокчилари тезисларида тезис мавзуси, муаллиф(лар) маълумотлари (фамилияси, исми, шарифи, манзили, телефон рақами ва e-mail), тезиснинг қисқача аннотацияси, қалит сузлар (5-10 та) ҳақида маълумот берилиши керак. Барча мақола ва тезислар **Google Scholar** базасига индексация қилинади.

Конференцияга тақдим этилаётган мақола ва тезисларга қўйиладиган талаблар ва расмийлаштириш тартиби:

- Мақола ва тезислар ўзбек ва рус тилида 2-4 бет ҳажмда қабул қилинади. Microsoft Word, Times New Roman 14 шрифтда, 1,5 интервалда, чап томондан 3 см, ўнг томондан 1,5 см, юқори ва паст томондан 2 см қолдирилган ҳолда ёзилади.

- Мақола мавзуси бош ҳарфларда (14 шрифтда) ўртага ёзилиб, кейинги сатрда муаллиф(лар) исми-шарифи, иш жойи, илмий даражаси ва унвони, электрон почта манзили (e@mail) унинг остида муассаса номи кўрсатилади;

Ундан 1,5 интервал пастда хат бошидан мақола матни ёзилади;

- барча иқтибослар квадрат қавсда берилади [3;112];

-фойдаланилган адабиётлар тезис охирида алфавит тартибда келтирилади;

-файл номлари муаллифнинг фамилияси ва шўба рақами билан номланади.

Тезис ҳажми 2-4 бетдан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ, қоғоз ёки электрон шаклда ташкилий кўмитага топширилиши лозим. Материаллар таҳрирдан ўтгандан сўнг, белгиланган тўлов амалга оширилгач, конференция материаллари тўпламига киритилиши кўзда тутилган. Тезисларда кўрсатилган фактларнинг тўғрилиги ва аниқлигига муаллиф(лар) жавобгар ҳисобланади.

Конференция материаллари электрон шаклда 2022 йил 12 ноябрга қадар ozod-11-87@mail.ru электрон почта, (+99897) 793 43 37 (Муродова Дилафруз Қодировна) ёки (+99890) 264 12 05 (Мўминова Наргиза Исатуллаевна) телефон рақамидаги телеграмм akkaунти орқали қабул қилинади. Мазкур анжуман материаллари тўплам шаклида нашр этилади. Ташкилий кўмита келиб тушган материалларни танлаб олиш ҳуқуқига эга. Матн манбалари аниқлигига муаллиф масъулдир. Тўпламда эълон қилинадиган мақола нашри учун 40 000 сўмдан тўлов қилинади. Тўлов учун карта рақами: 9860190113969389 (Муродова Дилафруз).

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА МАНЗИЛИ:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 4-уй, Жиззах давлат педагогика университети, Табиий фанлар факултети, кимё ва уни ўқитиш методикаси кафедраси

Мурожаат учун тел: 97-793 43 37, 90-264 12 05

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

А.ҚОДИРИЙ
НОМИДАГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ



Жиззах-2022 йил
22 ноябр